

ҚУВОНЧ УТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ!

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛНОМАСИ

1999 йил 19 июль — Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича "6+2" гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Исло Каримов нутқ сўзлади.

1999 йил 4 июль — ҳамюртимиз Ирода Тўтаганова Англияда бўлиб ўтган нуфузли Уимблдон турнирида 18 ёшгача бўлган ўсмир қизлар баҳсида голиб бўлди.



ТУРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 30 август, чоршанба. №66-67 (14349)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотини таъсис этиш тўғрисида

Ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ирода ва имон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, ижодий уюшмалар ва санъат жамоатчилигининг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун "Ниҳол" мукофотини таъсис этиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

"Ниҳол" мукофоти яқка туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишида бадиий маҳорат кўрсатган,

30 ёшгача бўлган ижодкорларга ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиётда топширилади.

2. "Ниҳол" мукофоти совринининг рамзи, Ниҳоми ва мукофотига тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи Кенгаш таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ниҳол" мукофоти совриндорларига ҳар йили энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда 70 та пул мукофоти ажратилишини, совринларни тайёрлаш, матбаа, реклама ва таъкил ишлар билан боғлиқ тегишли сарф-харажатларнинг қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

"НИҲОЛ" МУКОФОТИНИНГ ИЛК СОВРИНДОРЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва тавсияси билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида, "Ниҳол" мукофоти таъсис этилган эди. Бундан мақсад халқимиз бағридан етишиб чиқётган ёш санъат гунаҳарини ҳар томонлама асраб-авайлаш, уларнинг истеъдод имкониятларини тўла рўйбега қиқчишга қўмақлаш, ёшлар овозини олам бўйлаб таралишига кенг йўл очиди.

"Ниҳол" мукофоти билан энг муносиб, умидли ёшларни тақдирлаш учун ҳукуматимиз қарори билан нуфузли танлов Кенгаши тузилди. Кенгаш таркибига, Юртбошимизнинг так-

лифи билан, таниқли санъаткорлар қатори, бугунги эстрада юлдузларимиз ҳамда хорижий ва республика мусиқа танловларида истеъдоди эътироф этилган навиҳол санъаткорлар киритилди. Ушбу Кенгаш ўзининг бир неча ижодий йиғилишлари давомида "Ниҳол" мукофотига тавсия этилган ортиқ номзоднинг ижодий имкониятларини ҳар томонлама холис кўриб чиқиб, юртимиз Мустақиллигининг тўққиз йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини бу юксак мукофотга лойиқ деб топди. Кенгаш қарорига кўра, қуйидагилар "Ниҳол" мукофотининг илк совриндорлари бўлдилар:

Севаля Назарзон — Тошкент Давлат консерваторияси талабаси
Дилфуза Раҳимова — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси эстрада ансамбли хонандаси
Тоҳир Содиқов — "Болалар" эстрада гуруҳи хонандаси
Иззатилла Иброҳимов — "Хўжа" эстрада гуруҳи хонандаси

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида мустақиллик мушоираси бўлиб ўтди. Мушоирада туманда истиқомат қиладиган адаблар, шоирлар, олимлар қатнашдилар.

Учрашувда шоирлар Мухаммад Юсуф, Нормурод Нарзуллаев, Ойдин

Хожиева, Қутлибека Раҳимбоева, Рустам Мукулмон, ёш шоир Ориф Тўхташевлар туман аҳлига ўз шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Мушоиранинг баланд руҳида мустақиллик шукуҳи сезилиб турди.

Г. АСКАРОВА

Шукрона

ҲАВАС БИЛАН ҚАРАШАДИ

Мамлакатимиздаги ўзгаришлар, янги қурилишлар кўнглимизга қувват бағишлайди. Ҳозир кишлоқларни айлангангиз, одамлар ўз маҳалласини, оиласини обод қилиш учун тиним билмаётганини кўрасиз. Яқинда туманимизда Косонсой - Туркия қўшма корхонасини ишга туширдик. Кишлоғимизнинг юзлаб йигит-қизлари ҳозир шу корхонада меҳнат қилмоқда. Наманганда бўлиб ўтган "Универсиада -2000" спорт байрами-чи?

Кайси мамлакатда шундай ишлар қилинган? Қирғизистондан келган қўшнилари "Президентингиз улуг одам, зўр ишларни қиляпти", деб бизга ҳавас билан қарашади.

Мамлакатимизнинг жанубий туманларида юз бераётган мудҳиш воқеалар, юртимиздаги тинчлик ва осийшталарни бузишга уринган ёвуз кимсаларга қарши курашда мард фарзандларимизнинг қурбон бўлгани юрагимизни тилқалаб ўтди.

Бундай қабилликка қўл урган кимсаларни шу юртнинг оналари қарғиши муқаррар тутади. Чунки ҳаётда ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Одам ҳаётда ўзидан ёруғ из, яхши ном қолдиришга интилиб яшаш керак. Биз, оналар учун бу дунёда юртимиз тинчлиги, оқ сўт бериб катта қилган фарзандларимизнинг қамоли ва тўйларини қўришдан ортиқ бахт йўқ. Яратган бизга ҳеч қачон шу тиланик бегона қилмасин.

Раъно СУЛАЙМОНОВА,
Наманган вилояти
Косонсой тумани
Қўқумбой кишлоғи

Абдулазиз Карим — "Асп" эстрада гуруҳи хонандаси

Феруза Мирзандино ва,

Комила Хўжаева,
Лайло Галиева — "Сетора" гуруҳи хонандалари
Нилуфар Сантова — "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Анна Гузаирова — Италиядаги камер хонандалари халқро танлови Гран-при совриндори
Дилшоҳ Назаров — Париж консерваторияси талабаси
Гулшоҳ Абдиева — "Ўзбеккрақс" бирлашмаси "Тановор" ансамбли раққосаси.

Барча санъат муҳлислари номидан "Ниҳол"нинг илк совриндорларини самимий муқорабод этамиз ва юртимиз равнақи, санъатимиз такомилни йўлида уларга катта ижодий зафарлар тилаймиз!

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

29 август кун Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг мамлакатимиз халқ хўжалиги, бугунги ва келажак тараққиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган энг муҳим участкаси - Қамчиқ ва Резак доволари тагидан ўтган туннеллар тантанали суратда очилди. Бу муҳим тадбирнинг мамлакатимиз йўлбошчисининг йўлсозларга таъриғи ва уларни юксак Ватан мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган кунда бўлиб ўтиши маросимга, айниқса ўзгача файз ва жўшқин рух бахш этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов иштирок этди.

Юртбошимиз туннелга кириш жойида рамзий лентани қирқди. Дарани олқиш садолари тўлдирди. Шундан сўнг Президент Исло Каримов қурувчилар ҳамроҳлигида Қамчиқ ва Резак туннелларини машинада айланиб чиқди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги байрами арафасида ватандошларимиз ва келажак авлодларга муносиб тўхфа тайёрлаган йўлсозлар, ишчи-муҳассислар, муҳандис ва лойиҳачиларнинг меҳнати ва юксак баҳо берди, уларни меҳнат галабаси, шунингдек, яқинлашиб келаётган энг азиз, энг улуг байрам билан ўз номидан ва мамлакат халқи номидан қизгин муборакбод этди.

Мамлакатимиз раҳбари туннелларнинг бетўхтов ва хавфсиз ишлаш жараёни билан танишди. Туннеллардаги ҳаракатни тартибга солиш ишлари компьютерлашгани, видеокамералар орқали йўлнинг ҳар бир қаричини кузатиб туриш имкони яратилганидан мамнулик избор этди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, бунда ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш лозимлигини таъкидлади.

Туннелларнинг очилиши мамлакатимиз халқининг асрий орзусини рўйбега қилди - тўққиз ярим миллион киши яшайдиган Фарғона водийси республикамизнинг бошқа минтақалари билан кишин-ёзин узлуксиз ишлайдиган транспорт алоқасига эга бўлди, деб таъкидлади Президент Исло Каримов маҳалли ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан суҳбатда.

Бу йўл минг йиллар бурун ҳам халқларга холис хизмат қилиб келган. Шарқ ва Ғарб бу йўл орқали ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқалар боғланган. Бу йўлнинг мустақиллик йилларида замонавий андозаларга мос даражага келтирилиши мамлакатимиз минтақаларини бирлаштирибгина қолмай, Ўзбекистоннинг хориғга чиқиш имкониятларини янада кенгайтирди. У турли давлатлар ва минтақаларни ҳам бир-бири билан боғлайди. Яқин келажакда Европа ва Форс кўрфазини давлатлардан Осиёга борадиган автомобиль қаровани шу йўлдан ўтади. Бундай раво йўллар туфайли давлат тараққий топади, халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлади, дея таъкидлади Президент.

Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган энг сиз, қишда узок вақтлар ёпилиб қоладиган тоғ йўлини жаҳон андозаларига мувофиқ даражага етказиш масаласи 1996 йили кун тартибига қўйилган эди. Қиска муддатда мавжуд йўлни қайта таъмирлаш ва Қамчиқ ҳамда Резак доволари тагидан туннеллар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 йил март ойидан амалий ишлар бошланди.

Ўтган уч йил давомида йўлсозлар қўйилган вазифини

шараф билан уддалашди. Йўл транспорт қатнови тўхта-тилмасдан кенгайтирилди, янгидан асфальт ётқизилди, ҳаракат хавфсизлиги жаҳон андозалари даражасига етказилди. Умумий узунлиги 2484 метр бўлган тўртта туннел қазилди.

Бажарилган ишлар кўламини қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди: кунига ўн етти мингга яқин автомобиль, 150 минг йўловчи ўтаётган тоғ йўлида 21 миллион куб метрлик тупроқ ишлари бажарилди, 6900 метрлик сув қувурлари ётқизилди, 3 та кўприк қурилди, 141 минг куб метр темир-бетон ётқизилди, 2300 метрлик баландликка 4 миллион куб метр қум ва шағал олиб чиқилди.

Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидан келган тўрт ярим минг кишилиқ қурувчилар жамоаси уч йил ичида бажарган ишларнинг қиймати 27 миллиард сўмликдан ортиб кетди. Уларга қозғистонлик ва қирғизистонлик туннел қурувчилар яқиндан ёрдам беришди. Шу маънода қайта таъмирланган йўлни ва туннелларни самарали ҳамкорлик натижаси дейиш ҳам мумкин.

Мамлакатимиз Президенти журналистлар билан мулоқотда лойиҳачиларимиз энди маъна шу доволардан бошланиб Нукус ва Қўнғирот шаҳарларига борадиган замонавий автобан қуриш лойиҳаси устида иш олиб бораётганини айтди. Тошкентдан Ўшгача борадиган йўлнинг сифати ҳам жаҳон андозаларига етказилишини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари мухбирларининг террорчиликка қарши кураш масаласидаги салоғига жавооб бериб экан, Президент Исло Каримов террорчилар билан ҳеч қандай музокаралар олиб борилмаглигини алоҳида таъкидлади. Босқинчилар билан музокара олиб борилмади, агар таслим бўлмаса, аввасиз қириб ташланади. Террорчиларга ҳар қандай ён босиш янги террор ҳаракатлариға замин яратиб беришини жаҳон таърибаси кўрсатиб турибди.

Президент Исло Каримов яқинда Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага юксак баҳо берди. Хитой томонининг Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг террорчиликка қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаб берган баёноти катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Террорчиларнинг ватани ва миллати йўқ, деб таъкидлади Президент Исло Каримов. Шундай экан, дунё давлатлари терроризмнинг ҳар қандай қурилишига қарши курашда яқд бўлиши лозим. Бу курашда ўзаро ёрдамнинг каттакичи бўлмайди, муҳими, ёнингда дўсту ҳамкор турганини ҳис қилишдир.

Шундай қилиб, Қамчиқ ва Резак туннелларининг ишга тушишини мамлакатимизда транспорт коммуникацияси тизимининг юксалиши учун катта имкониятлар очди. Одамларни, халқларни бир-бирига боғлайдиган йўл янада яқинроқ, янада хавфсизроқ бўлиб қолди. Энг муҳими, халқро андозалар даражасида қурилган бу йўл мамлакатимиз ва халқимизнинг улкан салоҳияти ҳамда имкониятларини яна бир бор ёрқин намоён этди. Президентимизнинг йўлсозларга йўлларда табриғида айтилганидек, бу улкан қурилиш мамлакатимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎЗА мухбири

Шукрона

БАҲТИМИЗ ТИНЧЛИК ТУФАЙЛИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Исло ота!
Биз, Ўзбекистонда яшаб бахтини топган қозоқлар авлодидан-миз.

Ватан тугуси инсоннинг қонига она сuti билан қиради. Биз, юздан ошқ миллилат ва элат вакиллари шавҳтан Қизилқум кенгликлари, киндик қонимиз томган мана шу юрт Ватан бўлганидан бахтиримиз, Аллоҳга шукроналар айтамыз.

Мустақиллик ҳар бир ўзбекистонликдан деган инсон қалбига, онг-шуурида жуда катта ўзгаришлар ясади. Ўтган йиллар ичида бутун бир шўро тузуми давридан қилинмаган қанчадан-қанча коммуналкорлик ишлари қилинди. Неча йиллардан бўён таппи-тезак билан қозон қайнатиб келган Қизилқумдаги тўққиз йилдан ўтганида ҳам бугун табиий газ ёниб турибдики, мустақилликдан аввал бу ҳақда ҳатто гап бўлиши мумкин эмас эди.

Ойида биз олти кишимиз. Дадам ҳар кунни эрталаб Аллоҳга илтиҳо қиладим:
— Э-ўртамиз тинч бўлсин! Юртбошимиз омон бўлсин! Дахтурхоимиз тўкин бўлсин!

Биз ҳам дадамизга қўшилиб, Худодан шунини сўраймиз.
Хурматли Исло ота! Сизни оиламиз, мактабдошларимиз номидан Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги билан чин дилдан муборакбод этамыз.

Фарзандлик меҳри билан:
Динмухамед САДУАҚАСОВ,
Нурмухамед САДУАҚАСОВ,
Беруний номидаги гимназия мактаб ўқувчилари,
Навой шаҳри

Хажон

ҚҮРИҚЧИ ТОҒЛАР

Нега аждодларимиз асрлар давомида ёнга қарши жон олиб, жон бердилар? Ватан учун! Негга улэр гурурини, ориятини ўртага қўйиб, галаба ёки мусибат келтириши мумкин бўлган ҳар қандай қурбонликка тайёр турганлар? Мустақиллик учун! Негга улэр Оллоҳнинг муқаддас қалимасини бир зум бўлсада, тилидан тўширмадилар? Имон учун! Негга бунчалар эрки, ўз ҳақ-хуқуқи топталишига қарши курашдилар? Қонуни учун!

Биз боболаримиз замонада бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан камиди бир аср олсида турибмиз. Ана шу масофада туриб, уларнинг бу ҳаракатларини баҳолайдиган бўлсак, айтиш жоиз бўлса, улэр мустақиллик ва демократия учун курашдилар!

1991 йил 1 сентябрь... 2000 йил 1 сентябрь. Ниҳоят, халқимизга мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик тўйини кўриш бахти насиб этиб турибди. Ушбу вақт орилиғиди-ги масофа унчалик узун эмас. Аммо бундан тўққиз йил олдин таваллуд тоған боланинг тили бийронлашган. Нафақат у тўққизгача санагани биланди, балки у санай олиши мумкин бўлган сонларнинг чеки-чегараси йўқ. Унинг кафти тўққизинчи бармоққача ёпиқми, демак, у кўп нарсани кўлга киритган. Тасаввур қилингки, у қўлида Ватан байроғини ушлаб турибди. У шундай балоғат палласидики, шеър-қўшиқ айтишни қойил-

латади. Энг муҳими, ҳаётнинг қайсидир маънода турт устуни бўлиши турт математик амалини бажаришми: қўйиш — Ватанга ҳисса қўйишми, айриш — дўстни душмандан, яхшини ёмондан айририши. қўпайтириш — дўстлар қўпайтиришми, билим оширишми. бўлиш — тинчини бузган ёвларни бўлиб ташлаш кераклигини англаб етмоқда.

Гоҳ шукр, гоҳ фикр қилиб яшашга урганган халқимиз шукрона қилмоғи учун шу далилнинг ўзи kiffoя.

Оллоҳ бизга мустақилликдек буюк неъматни ато этди. Мулоҳаза қилишга уринган ҳар қандай шахс борки, қўлича уларнинг оғзидан "Мустақиллик бизга нима берди?" сўзлари тўшмай қолди. Улар айтганидай, ҳақиқатдан мустақиллик бизга кўп нарсга берди. Аммо ушбу дамларда мустақиллик одамлар кўнлиги-га оғоҳлик тўғрисида ҳам солганлигини унутмас, адолат-

сизлик қилган бўлмаймизми? Бир тўда ватанфурӯшлар Ватанимиз чегараларига даҳл қилиб турган бир пайтда, қўнғай кузга ташланиб турган бу жараён нега бизга сабоқ бўлмасин экан? Ундай қалби сўқир одамларнинг Оллоҳни тилга олиб қалима келтиришлари шунақам бақчага, шунақам галактика... Қони қўнғай ботирилган бундай номард "ботир"ларнинг ҳар битта ҳаракати одамда беҳосдан нафрат уйғотди.

Чегараларимизнинг асосий қисми тоғли. Бу озодлигимиз дахлсизлигини таъминловчи таянч рамзи ҳамдир. Тоғлар ҳар доим сокин ётса-да, бағри галаёнларга, сасларга тўла бўлади. Чегаралари ҳадсиз бўлса-да, ҳар бир шарпани сөзади... Тоғлар ўз тинчлини бузган ёвларни шафқатсиз ўлдирди. Агар шундай бўлмаса, раҳматлик Шавкат Раҳмон бежиз ёзмаган бўлур эди!

Ишонмасанг ўқ отиб кўринг, Букмардор санжиски қон. Уга мағрур, феълни кўп ёмон. Тоғлар ўзин севар бағоят.

Эқтиёт бўл бунда юрганда, Буюкман деб хомхал турсма. Милтиқ отиш у ёқда турма. Овозингни кўтарма кўрма.

Шоди ОТАМУРОД,
"Туркистон" мухбири

АВВАЛ ВАТАН...

Бир сўз бор — гулдек гўзал,
Дилнинг тақиб юргин.
Бир сўз бор нурдай азал,
Чирқодай ёқиб юргин.
"Аввал Ватан — кейин жон",
Аввал Ватан — кейин жон.

Кўзинг оч, тегрангга бок,
Ҳикмат бор хурлигингда.
Юртдошим кел, яқинроқ,
Куйлайлик жўрлигингда.
"Аввал Ватан — кейин жон",
Аввал Ватан — кейин жон.

Қоқилсанг ўз ерингда,
Миннати тизга ботмас.
Элда йигитман деган,
Ватанда Ватан сотмас.
"Аввал Ватан — кейин жон",
Аввал Ватан — кейин жон.

Бандага худосидан,
Бобонга бобосидан.
Шу Ватан қолган ахир,
Момонгга момосидан.
"Аввал Ватан — кейин жон",
Аввал Ватан — кейин жон.

Махмуд ТОИР

Маънавият — миллат кифаси

КУДРАТЛИ МАНБА

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Бу - Миллий ғоянинг эл қалбидаги ўчмаган, порлашга мойил учкунлари эди, десак тўғрироқ бўларди. Аммо, фақат Оруз билан иш битмасди. Широбозлик ва мининг-бозликлар мақсадга элтмасди, балки асосий мақсаддан адаштириб, бошқа йўлга олиб кетиш хавфи, бир куллидан иккинчи кулликка гирифтор этиш хатари ҳам бор эди.

Сиртдан бир-бирини қўллаб-қувватлаётгандек туюлган "сохта демократлар" билан бир гуруҳ фарзанд ниятли дин пешволарининг режалари замирида ётарди бу хатар.

"Сохта демократлар" халқимизнинг Исломи динига бўлган соф эътиқоди ва ихлосидан фойдаланган ҳолда, дин пешволарининг ва улар орқали "қайта қуриш" йилларидаги пароканда эркинликдан фойдаланиб, ўз диний эътиқодини эъзозлашга интилган кекса-ю ёш диндорларнинг қўллаб-қувватлашлариға эришиш орқали, сиёсий ҳокимиятни кўлга киритишни мўлжаллаб туришарди.

Айни пайтда бир гуруҳ дин пешволари ҳам "сохта демократлар"га таянган ҳолда ҳокимиятга эришишни, сўнг бу ҳовлиқма тўдаларни зер-забар қилишни режалаштириб қўйган эди.

Очигини айтганда, иккала тўданинг ҳам устозлари, моддий ва маънавий мададкорлари хорижда ўтиришар, озгина сармос, озгина қурол билан буларни таъминлаб, уларга омад ёр бўлса, зафар наъиждасини ўзлари суришни, эгалари бир-бирини қирпич қиладиган эгасиз юртга эгалик қилишни хаёл қилишар, бесабрлик билан шундай бахти-айёмни кутишарди.

Хайриятки, не бало-қазолардан омон чиққан, зулм ва зуғумлардан, таҳқир ва маломатлардан, қирғин ва қувғунлардан қадди эгилган бўлса-да, умиди синмаган ўзбек халқини Аллоҳ таолонинг ўзи ланоҳида асради, фарз аралашмаган покиза ниятларини, дуои илтижоларини даргоҳида қабул қилди.

Элнинг бахтига раҳнамолик Илоҳ Каримовдек ватанпарвар, халқпарвар, кўнгли тоза, фикри теран, гурури банд инсонга насиб этди. Илоҳ Каримов Ўзбекистон тақдирини кескин буртилиш нуқтаси бўлган сиёсий жиҳатдан ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда ўз зиммасига тушган тарихий вазифанинг моҳиятини теран англаган ҳолда турфа гуруҳ ва тўдаларнинг фикрлари, ниятлари хорижий "жонқуяр"лар лойқалата бошлаган Миллий истиқлол ғоясини қон ва фарз ҳиди баралла аниқ турган чиркин ниятлардан тозаллаб, покизаалаб ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантди.

1991 йил 28 сентябр кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон миллий боғи ва Алишер Навоий хайкали очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали митингга - Мустақиллигимизнинг илк ойидаги энг мўътабар тантанасида Республика Президенти-нинг айтган ушбу сўзлари диққатга сазовордир:

"Бу йил халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи халқ қиладиган бўлиб қолди... Бизларнинг тарихимиз, бугунги ҳаётимиз шуни кўрсатаётганики, озодлик йўли, мустақиллик йўли машаққатли ва ғоят оғир бўлади. Халқ кўп синовлардан ўтишга тўри келади. Истиқлол йўлида биринчи қадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарини ва сиёсатига маломат тошларини отиш ва тутаятган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан кунга кучайиб кетаяпти..."

Шу у сабабдан, бугун халқимизни доимо бирдамликка, бир-бирига ҳамнафас ва ҳамдард бўлишга чақирган ушбу бобо-калонимиз сиёмиси олдидан келинлар, бир-биримизга сўз берайликда:

Озодлик ва Истиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий тадбир этишда бир тан, бир жон бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик! Кўнглинги туб-тубидан отилиб чиққан ва халқнинг қалбини тўлқинлатирган, Миллий ғоянинг масъулиятини зиммасига олган бу давлаткор сўзлар замирида умид, ишонч, қувонч ва шукроналик билан бир пайтда ташвиш туйғуси ҳам йўқ эмасди.

Бу ташвиш - ташки ва ички душманлардан қўрқув ёки халққа ишонсизликдан эмас, балки, "энди юз берадиган қийинчиликлардан халқимиз қўчиб кетмасмикин, руҳи синиб қолмасмикин, ўзини йўқотиб қўямасмикин, эгизда "хаёлий жаннатлар" ваъда қилаётганларнинг кутқусига учиб, эришилган галабини қўлдан бой бериб қўямасмикин, Мустақиллигини юқини кўтаришга, уни асраб-авайлашга ўзидан куч-қудрат топаолармикин?" деган хавотир ҳиссидан туилганди.

Бундай хавотирланиш учун эса асослар тўлиб-тошиб ётарди.

Чунки, ўн бешта жумҳуриятни ўзида бирлаштирган бесўнақай империя - СССРнинг мустақил мамлакатларга парчаланиши натижасида Шўро тузуми бир-бирига боғлаб ташлаган иқтисодий алоқаларнинг узилиши иқтисодиётда танглики юзага келтириши табиий ва кутилаётган жараён эди.

1988-89 йиллардаёқ Шўролар Иттифоқининг иқтисодиёти таназзулга юз тутган, саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасая бошлаган, бунинг салбий таъсири савдо тармоқларининг аҳволида, халқнинг дастурхонидан, турмушида яққол белги бера бошлаган, ялли қашқоқлашув ортдан қимматчилик ва очарчиликни олиб келиши ҳеч гап эмасди.

Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар билан иқтисодий алоқаларининг узилиши биринчи навбатда асосб-ускуна, эҳтиёт қисмлар, хомаш бўлиб таъминланиши ўнлаб шахарлардаги турли корхоналар билан боғлаб ташланган, қурилатган пайтидаёқ иқтисодий муътелика маҳкум этилган республика саноат корхоналарининг фаолиятига жиддий таъсир этиши, натижада саноат маҳсулотлари, биринчи навбатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражаси кескин пасайиб кетиши табиий бир ҳол эди.

Е аноатнинг инқирози ўз-ўзидан республика иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлиб келган қишлоқ хўжалигини издан чиқариши ҳам қонуний ва кутилган жараён эди. Натижада пахта етиштиришининг камайиб кетиши, республикада етиштирилаётган галларнинг аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қоплай олмаслиги, чорвачилик соҳасида юз беражак озука танглиги табиий равишда оммавий қашшоқликни келтириб чиқарар, бу ўз навбатида норозиликларга сабаб бўларди.

Бахтиёр РИЗО (Давоми бор)

Илоҳ КАРИМОВ:

Навоий аҳли азалдан меҳнатқаш, оқибатли, бир сўзли, эл-юрт фаровонлиги учун бутун борлиги билан хизмат қилишга бел боғлаган фидойи инсонлардир. Уларнинг ниятлари пок, мақсадлари улғу ва олижаноб.

Миллий қадриятлари - бизнинг миллий қадриятлари даража-сига қанчалик яқинлашув, ва ҳатто у билан уйғунлашиб кетишуви билан ўлчанади. Аммо биз шу топда миллий қадриятларимиз қадрияти ҳисобланмиш — Ватан ҳақида сўзламоқчи эканмиз, беихтиёр ёдимизга Ватан ва давлат тушунчалари муқаддас ҳисоблана бошлаган даврлар келди. Чунки, Юнонистонда илк давлатлар пайдо бўлаётганда ўша юртнинг буюк шоири Лукиан ўзининг "Ватан шаънига" деган асари билан майдонга чиқади. Асар шундай ажиб муқаддалар ила бошланади: "Ўз отасини севмаган фарзанд ўзга оталарни хурмат қила билмайди. Ва ўз Ватанини севиб улгурмаган инсон ўзгалар Ватанини қадрлай олмайди".

Қаранг, бу гаплар милоддан олдинги I асрда айtilган. Ва ҳаммамиз уни такрорлашга тайёرمىз. Чунки, бунда энг буюк қадриятлар қадрияти ҳисобланмиш Ватан улғуланади.

Сир эмаски, тупроғи кўзларга тўтиё бўлгудек бу Ватаннинг қадрига энди етяпмиз. Чунки, Ватан ўзимизники бўлди.

Юлдуз Усмонованинг тўлиб-тошиб куйлайдиган қўшиқларидан бири — "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" деб аталади. Бугунги кунда ушбу калимани етмиш яшардан етти яшар жузукларнинг ҳам тилидан эшитишимиз мумкин.

Сурхондарёнинг тоғли минтақаларига суқилиб қирган ватанфоруш муртад жангариларга халқимизнинг муносабати кундай аён. Мананганлик онанинг ўз фарзандини хоинликда, ватанфорушликда, қотилликда айблаб айтган сўзларини телевизорда эшитдингиз, кўрддингиз. Ёхуд уч фарзандини ўша ватанфоруш муртадлар сафига қўшилиб қолгани, ўз киндик қони тўкилган тупроқда ўлганини тоғани ҳақида йиғлаб гапирган андижонлик отанинг сўзларини эшитдингиз, кўрддингиз. Ўша ерлик маҳалла оқсоқолининг куйиб-ўртаниб айтган сўзларини-чи? "Эй, она! Чиқ халқнинг олдиға. Ўғлинг Ватанига хиёнат қилганини айт! Сенға, отасиға хиёнат қилганини айт!" Бу гапни биз ҳам такрорлагимиз келади.

Энди бир қадиқа хаёлга толайлик. Лукиан нима дедди? Сал тўлдириб айтилайик, "Ўз отасини севмаган, хурмат қилмаган фарзанд ўзга ота-оналарни иззат қилар эканми!?" Юнон адибининг Ватан ҳақидаги ташбеҳини ҳам тўлдириб айтсак бундай бўлар: "Ўз Ватанига хиёнат қилган фарзанд ўзга Ватанларни қадрлар эканми!?"

У хаёлпараст муртадларнинг на Ватани бор, на миллати бор, на дунёси бор, на-да суянса арзуғулик ғояси бор.

Ватан мустақиллиги ғояси билан сурғорилган бизнинг ғояларимиз ана шу заминдан, ота-оналаримизга хурмат-иззатдан, Ватанга чексиз-чегарасиз муҳаббатдан келиб чиққан ва камол топмакдаки, бу йўлда ўз хонларини фидо қилган-

лар — бизнинг миллий қаҳрамонларимиз бўлиб қолажак. Жанубий сарҳадларимизда шахид бўлган жондош-жигарларимизни эсланг. Ўша ўғлонлар ўз жонларини Ватан аталмиш муқаддас маъво учун тикдилар. Ўша Избосқанда кўксиларини ўққа тутиб берган милиционерларимиз ҳам Ватаннинг фидойилари эди. Биз улардан фидойилик дарсини ҳар кун, ҳар соатда ўрганадиз арзийди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бизнинг фидойи, Ватанга садоқатли фарзандларимиз бор. Улар мана шу Ватан озодлиги ва ободлиги учун курашган ота-боболарининг изларини кўзга суртадилар. Улар бугунги истиқлол осонликча қўлга киритилмаганини чуқур англайдилар. Тўғри, истиқлол бир қарашда, осонликча ят ҳокимлиги, вилоят телерадиокомпанияси ва ёшларимизнинг сеvimли наشري бўлган "Туркистон" газетаси жамоаси, шу англаниш ғояларининг ифодаси ўларок, катта бир тадбир ўтказдилар. Ушбу тадбир "Муқаддасан, муқаддас Ватан!" деб номланади.

Тадбирни очар экан, вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутаты Ғайбулла Дилов ёниб айтган сўзларига қулоқ тутинг: — Азиз ёшлар! Тадбиримизда иштирок этаётган нуроний отахонлар, онахонлар. Энг азиз ва энг улғу байрамимиз, истиқлолимизнинг тўққиз йиллик тантаналари эшик қоқиб турган бир пайтда вилоятимизда ўтказилаётган "Муқаддасан, муқаддас Ватан!" фестивали улкан рамзий маъноға эга эканлигини сезиб турибсизлар. Зеро, мақсад-

НАВОИЙ РУҲИ КЕЗАР УШБУ ЗАМИНДА



да, энг кўпмиллатли вилоятлардан бири саналади. "Муқаддасан, муқаддас Ватан!" фестивали ҳам турли миллат вакилларининг чиқишлари билан бошланади. Уларнинг чиқишларидан, миллатидан қатъий назар, ҳар бири Ўзбекистонни ўз она Ватани деб билишларини англаш мумкин эди. Саҳнадаги ҳаяжон, саҳнадаги кўтаринкилик ҳар бир тадбир иштирокчисини дилидан жой олди. Биз журналистлар тадбир иштирокчиларини суҳбатга тортидик. Навоийлик 75 ёшли онахон Фароғат Жабборова шундай дейди:

— Бугун, мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида юз бераётган ноҳуш воқеалар ҳақида эшитиб турибмиз. Улар бизнинг тинчлигимизга, мамлакатимизнинг осудалигига раҳна солаолмаганлари бугунги тантаналардан ҳам кўриниб турибди. Мен ҳам онаман! Менинг ҳам фарзандларим мана шу тантаналардан хушнуд бўлиб, Ватанини ва халқини яна-да кўпроқ севяётганига ишонман. Энди тавбалар деб ёқа ушлайман. Ўша Тоҳир Йўлдошнинг онаси ҳам кўксини кўтариб ўтирса

булардику?! Ўша муртадни шайтон йўлидан оздирмаганда ана шундай анжуманларнинг иштирокчиси бўлиб ўтирмасмиди?! Аттанг-а, аттанг... Анжуман иштирокчиларидан яна бири — 7-синф ўқувчиси Сухробжон Кенжаевнинг чиқиши гулдурас қарсақларга кўмилиди. Унинг она Ўзбекистонга бағишланган қўшиқлари ҳар бир иштирокчининг юрагидан жой олгани шубҳасиз. Шуниси ажойибки, бу ватанпарвар фарзанд нафақат ўзининг, балки рус, италия ва бошқа миллатлар тилида ҳам куйлай билади. Яқингинада Белоруссияда бўлиб ўтган "Славян бозори" фестивалида қатнашиб, юртимизга "Энг кучли овоз соҳиби" дипломини олиб қайтган Сухробжонга бизлар ҳам омад тиладик.

Таниқли ва сеvimли хонандаларимиздан бири Озода Нурсадованинг саҳнага чиқиб келиши фестивалга янада бошқача файз бағишлади. Халқ хонандани олқишлар билан кутиб олди. Озода куйлар экан, бизнинг халқимиз нақадар санъатсевар эканлигини, бундай санъатсевар халқ ҳеч қачон бундай санъат камол толган тупроғига ёт қадамни йўлатмаслигига яна бир қарра имон келтирдик...

Фестиваль ва "Туркистон" кунлари шу билан якун топгани йўқ. Ижодий гуруҳимиз уч кун давомида вилоятнинг бир қанча туманларида бўлиб, турли соҳа вакиллари билан учрашдилар. Учрашувларда ҳам асосий мавзу: Ватан ва унинг осмони осудалиги ҳақида борди. Жумладан Навбахор тумани ички ишлар ходимлари билан бўлган учрашувда ҳам биз юртимизда фидойи фарзандлар кўпчилигига яна бир қарра амин бўлдик.

Биз учрашув давомида суҳбатлашган 101 ёшли Хайитгул момо Даминова, ички ишлар ходими Асад Шерматов, Абдуҳаким Қодиоров, ёш хонанда Абдурауф Жалилов... эҳ-ҳей, яна қанча-қанча навоийлик юртдошларимизнинг дил сўзларини ушбу мўъжазгина битикларимизга жойлаштира олмадик. Ният қилдик, газетамизнинг кейинги сонларида сиз уларнинг фикрлари билан ҳам танишасиз...

Ватан муқаддаслиги ҳақидаги битикларимиз давом этажак.

Ватан муқаддасдир, муқаддас Ватан!!!

Зиёда АШУРОВА, "Туркистон" мухбири

Илоҳ ХАМРО, Маъруф ТОШПОЛДОВ

МУҚАДДАСАН, МУҚАДДАС



В А Т А Н ! ЯНГИ АСРГА ЯНГИЧА НИГОХ

Навоийда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими, Республика Ички ишлар вазирлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлиқда ўтказган "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусидаги минтақавий семинар ўз ишини якунлади.

Анжуманинг асосий мавзуси ҳаёт оstonасига қадам қўётган ёшларни турли оқимлардан, аср оғуси ҳисобланган гиеҳванликдан асраш ҳақида бўлди. Чунки, бу икки қалтис қадамнинг оқибатида навиҳол йигит-қизлар жиноят кўчасига кириб қолишади. Вояга етмаганлар ҳар биримизнинг жигар-гўшамиз. Улар эртага бизнинг келажакимизни бунёд этишади. Шу боис мактаб, оила, жоматчилик ёшлар ўртасида кенгроқ иш олиб бориши зарур. Семинарда сўзга чиққан ҳар бир маърузачи бунини алоҳида таъкидлади.

Ақбарали МАМАСОЛИЕВ, "Туркистон" мухбири

Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги олдидан

БОШҚА БАХТИМИЗ ЙЎҚ БУ БАХТДАН ОРТИҚ

Шоира Қутлибека Раҳимбоева билан суҳбат

— Мустақиллик ғоясини англаб етган ёшлар келажакни қандай тасаввур қиласиз?

— Агар менинг бу борадаги тасаввуримга от қўйиш иккинчи ўзимга берилса, Буюк Туркистон деб атаган бўлардим. Яна қандай, деб сўрасангиз:

— Ҳазрат Амир Темур истаганларидай, "Кучи адолат" да бўлган, беклари "заифларни қўриб" яшаган, "миллатнинг дардига дармон" топган.

— Жаннатмакон Алишер Навоий орзулаганларидек, қаро кўзлар бир-бирига "душманлиги"ни эп билмаган "ёрлиг айлаган".

— Абдулла Авлоний айтанидек, маърифатдан наҳот топган.

— Чўлпон хоҳлаганидек, "Энди бир қадиқа хаёлга толайлик. Лукиан нима дедди? Сал тўлдириб айтилайик, "Ўз отасини севмаган, хурмат қилмаган фарзанд ўзга ота-оналарни иззат қилар эканми!?"

— Мен мустақиллик бизга нима берди, деган саволни қабул қилолмайман. Чунки мустақилликнинг ўзи жуда катта берилмиш. Жуда улкан оийлов, улкан муқофот. Мен ўзим шахсан даврларда у ёқ-бу ёққа алангламай ўзбек, Ўзбекистон дея бандан овозда минбарларда гулдиратиб айтиш имкониятидан ҳам шу қадар қаттиқ қувонаман. Озодлик бизга инсон эканлигини англади. Ахир Ватан озодлигига бизни инсон санаганларидега истаганда осиб, истаганда отишармиди? Истаганда сурғун қилишарми-

ди? Хоҳласа даҳларни тупроқ билан битта қилиб, чўпликкаям арзимасларни даҳо қилиб кўтаришармиди? Миллатимизнинг асосий қисмида биз халқ эканми, деган туйғу уйғонган. Бу уйғонининг илдизи ҳам Озодлик.

— Шаҳс ва жамият ҳақида гаплашсак...

— Одам билан жамият дарё билан балик дегандек гап. Суз губорланса балик нафас оломай қолди. Дарё дарёдай, балик баликдай бўлсин, осмон осмондай, лўчин лўчиндай яшасин. Жамият ҳам инсонлар бирикмаси. Инсон ҳам шаҳс, чинакам шаҳсдай бўлсин.

— Озодлик байрами сизнингча, одамлар руҳида қандай кечяпти?

— Озодликнинг руҳиятдаги таъкидланган бўлса, Хадиси шарифларда "Ҳақкийи му сулмон тили ва қўли билан буюк муқаддасликни...

— Одам билан жамият дарё билан балик дегандек гап. Суз губорланса балик нафас оломай қолди. Дарё дарёдай, балик баликдай бўлсин, осмон осмондай, лўчин лўчиндай яшасин. Жамият ҳам инсонлар бирикмаси. Инсон ҳам шаҳс, чинакам шаҳсдай бўлсин.

— Озодлик байрами сизнингча, одамлар руҳида қандай кечяпти?

— Озодликнинг руҳиятдаги таъкидланган бўлса, Хадиси шарифларда "Ҳақкийи му сулмон тили ва қўли билан буюк муқаддасликни...

— Озодлик байрами сизнингча, одамлар руҳида қандай кечяпти?

— Озодликнинг руҳиятдаги таъкидланган бўлса, Хадиси шарифларда "Ҳақкийи му сулмон тили ва қўли билан буюк муқаддасликни...

— Озодлик байрами сизнингча, одамлар руҳида қандай кечяпти?

— Озодликнинг руҳиятдаги таъкидланган бўлса, Хадиси шарифларда "Ҳақкийи му сулмон тили ва қўли билан буюк муқаддасликни...

— Озодлик байрами сизнингча, одамлар руҳида қандай кечяпти?

... Раҳматли отам отаси ҳақда — Ҳасан навкар тўғрисида гапиришни унчалик ҳушмасдилар. Баъзи-баъзида йўрга оти бўлгани, елкасидан бешотар милтиги тушмаганини айтиб қолардилар.

Умрининг сўнги йилларида отаси тўғрисида фахр билан бир неча карра сўзлаганлари эсимда. "Шайдаков дегани дарёнинг орқасига қўшин билан келганида отам раҳматлик бир неча гуч йигитларни қатига олиб, от суриб кетишди. Бирор ҳафталадан сўнг қайтиб келишиб, улар зўр экан, ўқотар тўплари бор экан", деб милтиқларини дуч келган жойга қўйишди, бечкетмонини олиб далага чиқиб кетишди...

Ҳозирги Қулон Қарабоғ қишлоғида коллективлаштириш сиёсати 1928 йилда бошланиб, 1935 йилда яқунланди. Колхозга энг охирида, унда ҳам болшевоилар зугумидан зада бўлиб бобомлар киришган. Бунни кексалар ҳамон эслаб юришади.

Бобом 1936 йилда бандаликни бажо келтирганлар. Яна тагин бирор йил умр кечирганларида хон навқари бўлгани, Шайдаковга қарши от сургани, колхозга ўз вақтида кирмагани учун қатагон домига учраши мумкин эди...

Қатагон замонларининг захрини отам озми-кўпми тортиганлар. 1941 йилда МТСда ишлаб юрганларида йигирма дақиқа ишга кечикканлари учун Хивадаги

қамокхонада икки ой оч-наҳор, бир културм сувга зор ётганлар.

Булар тўғрисида ҳам умрлари сўнгида мустақилликка эришиб, Москва асоратидан қўтилганимиз ростга кўчганини англаганларидан кейин айтиб бердилар...

Отам 1994 йилнинг 8 декабрида вафот этдилар. Ун беш кундан сўнг ҳукуматимиз уруш катнашчиларини мукофотлади. Узинининг илк нишонларимиздан бўлмиш "Шухрат" медалини туман ҳокими қўлидан мен — катта фарзанди қабул қилиб олдим. Отамнинг бир армони — ўз давлат нишонини тақиб, ҳатто қабул қилиб олиш орзуси амалга ошмади...

Отам умр буйи тракторчилик қилдилар. Қирк беш йил ишлаб нафақага чиқдилар. Колхоз ишидан бирор фурсат бўш қолди дегуларича асрий тўқайзорлар, ташландик майдонлардаги ўзлаштирган қўриқ ерларида деҳқончилик қилардилар. "Фалон булдо-зерчиға фалон пул бериб ер очирдим" деб мақтаниб келар, кейин эрта баҳордан шу ерга қовун-тарвуз, жўхори, шולי экардилар. "Колхоз берадиган пул нимаям бўларди. Одамни ер боқади!" деб фал-

сафа ўқишни яхши кўрардилар. Орадан тўрт-беш йил ўтмасдан ўша еримизни колхоз тортиб оларди ва пахта экарди. Отам янгидан ер очтириш, ўзлаштиришни қанда қилмасди. Шу тахлит йигирма-ўттиз йилда отам очирган ерлар ўнлаб гектарларни ташкил қилди ва ҳозирда "Дуббан карта" деган бутун бир массивга айланди. Барча ерлар ўзлаштири-

гил машинаси билан мукофотланганлар. Унгача ишлаб топган пуллариға аравачали мотоцикл харид қилгандилар. Эски мотоцикл тез-тез бузилар, унинг бирор эҳтиёт қисмини чайков бозоридан уч-тўрт хиссасига олишга пули етмасдан ҳар доим почта орқали қайсидир савдо ташкилотлариға буюртма бериб, эҳтиёт қисм келишини кутиб, икки-уч ойлаб алоқа бўлими бошлиғини бевовта қилади-

бор. Отам эса орамизда йўқлар... Отам ҳақатчилиқни, қимматчилиқни кўрган, ўз бошидан кечирган авлод вакили эмасми, уйимизда ҳар доим ортиқча дон-дун, ун, гуруч бўлишиға ҳаракат қилар, қўлида ортиқча пул бўлса бирор қоп ун топиш ташвишиға тушардилар. Дўконларда ун ҳақат бўлган пайларда қишнинг лой-аёзли кунларида эшак аравада қўшни дўкон-

оляпмиз. Омборимиз бўш қолган кун йўқ. Уйда нон ёпилмоқчи ёки хамир овқат қилинмоқчи бўлса — ун тугаган пайда шундоқ қишлоқдаги бирор ун тегирмонига бориб бир қоп бугдойни истаган навдаги унга айлантириб келиш мумкин. Ҳар қишлоқда ўнлаб ун, гуруч тегирмонлари бор. Энди дўконма-дўкон ун излаб, омборчилар-

бир ойларға зўрга етарди. Қолган вақтда эса ўтин излаш, ўтин ёриш бизнинг елкамизға тушарди. Богимиздаги эски дарахтларни, солма-арик бўйларидаги жийдаларни деярли ёқиб соп қилгандик. "Бу боришда уч-тўрт йилдан сўнг қишни ўтказишға ўтин қолмайди" деб отам ташвишға тушардилар.

1996 йилнинг қузи охирида қишлоғимизға табиий газ тортилди, салкам олти километрлик қувурлар давлат ҳисобидан берилди. Энди қиш ташвиши йўқ, табиий газ беиминат хизматимизда...

Отам бир умр орзу қилган беиминат табиий газ у кишининг вафотларидан икки йил сўнг — истиқлол туфайли хонадонларимизға келди...

Отам эса бу кунларға етолмадилар. Бугун мустақиллик берган неъматлар ҳақида, истиқлолнинг шавқатли қадамлари тўғрисида ёзиш русм бўлди. Кўпроқ катта қўламларда, катта худудларда гапиришға ошиқамиз. Оддий бир хонадоннинг ёки оддий бир инсоннинг ҳаётида эркинлик — озодлик қандай ўзгаришлар содир қилди бизни камроқ қизиқтиради.

... Мен эса отам армони — отам кўролмасдан кетган кунлар ҳақдаги ушбу бир авлод фожевсини — аслида мустақиллигимизға қасида бўлмиш сатрларни ҳали мактабға бормаган олти яшар ўғлим — Бобур Мирзоға бир қур ўқитиб, сўнг тахририятта жўнатсамми, деб бош қотириб, сўнги нуқтани қўёлмасдан ўтирибман.

Отам умр буйи юрт озод бўлишини пинҳон бўлсин, ошқор бўлсин орзу қилган инсон эдилар. Бу орзу-армон қатида мустақил боболар юрти учун қурол тутган отаси ҳаққи, йигирма дақиқалик кечикиш учун шўро қамокхонасида тортган азоблари, қаҳатчиликлар, қимматчиликлар, бир умр тўкин яшай олмадик, доимо кимларгадир қарамлик, юқоридан буйроқ қутиш, ақалли қарч ерга эға бўлмаслик, "газни Урал бериб" ёз бўйи қиш ғамиде тезак излаш... каби машаққатлар ашириниб ётгандилар. Айтсанг тилинг, айтмасанг дилинг балоғардон эди...

Бугун истиқлолнинг табаруқ тўққиз йиллиги арафасида ўтган қисқа фурсатда эришган ютуқларимизни хомчўт қилиб ўтириб шулар ёдимдан кечинди. Бу бахтиёр, ҳур кунларға етолмаганлар — отам авлодлари вакиллари руҳларига дуолар қилдим. Замондан шукроналиклар туйдим...

... Отам икки ҳарфни қўшиб, жумла ўқийлмаган ғирт саводсиз киши эдилар. "Агарда имкон бўлганда ўқисам, мендан академик чиқарди" деб қўярдилар. Мен эса...

... Мен эса отам армони — отам кўролмасдан кетган кунлар ҳақдаги ушбу бир авлод фожевсини — аслида мустақиллигимизға қасида бўлмиш сатрларни ҳали мактабға бормаган олти яшар ўғлим — Бобур Мирзоға бир қур ўқитиб, сўнг тахририятта жўнатсамми, деб бош қотириб, сўнги нуқтани қўёлмасдан ўтирибман.

Рўзимбой ҲАСАН

ОТАМ КЎРОЛМАСДАН КЕТГАН КУНЛАР

"Бизлар мустақил бўлдик!" деб суюнчилаган бўлдим отамга. У киши нотаниш сўзга унча тушунмадилар. "Бизлар энди бўлак давлатимиз" деб изоҳ берган бўлдим. Отам англадилар: "Энди Москвага қарамаймизми?"

либ, янгитдан очиладиган майдон қолмаган, сўнги сотиқ еримизни ҳам колхоз тортиб олганда, нафақат ўтириб зериканлариде зорландилар: "Одамни ўз ери — мулки бўлса қандай яхши! Бировага қарам бўлиб ишлагандан кўра..."

Отам вафотидан беш йил вақт ўтгач, оиламиз билан фермер хўжалиғи ташкил қилдик. Хўжалиқдан ер олдик, уруғ селдик... Агарда отам шу кунларни кўрганларда қанчалик бошлари осмонга ётган бўларди-я!...

... Отам хўжалиқда узоқ йил ишлагани учун "Москвич" ен-

ган одатлари бўларди. Машина эскириб, тез-тез бузила бошлагач ҳам шу одат доимий тус олди. Гоҳ машина баллони керак, гоҳ аккумулятори.

Алоқа бўлимиға қатнаб, буюртмаси келмагани ёки буюртма бажарилмагани ҳақида огоҳлантириш хатлари олганларида қуноқардилар: "Узингдан машина чиқмаса, запчаста чиқмаса кўрганнинг азоб экан..."

Бугун ўзимизда жаҳоний андозадаги енгил машиналар чимқоқда. Уларға техник хизмат кўрсатадиган, эҳтиёт қисмлар билан таъминлайдиган шохобчалар ҳар туманда


ларига бориб, юмуш битмасдан қайтганларида у зотни ҳафакон кўрардим. "Отам илкимиздаги ерга бугдой ва жўхори экар, омборимиздан йил — ун икки ой дон-дун аримасди. Колхозга мажбуран киргач, еримиз ва мол-қўйимизни ҳам олиб кетишди. Энди ҳукумат берадиган лўкмага кўнимиз қолди. Дон учун қичқирадиган товукдан фарқимиз қолмади..." деб қуноқанлари ёдимда.

Ҳукуматимиз томонидан ажратиб берилган қўшма томорқамиздан ҳар йили йил-ун икки ой оиламизға етиб ортадиган бугдой ҳосили

ға сарғайиб юриш йўқ. Отамни умр буйи қийнаган армон — дон-дун тўқинлиғи ҳам истиқлол туфайли оддий ҳақиқатға айланди. Отам эса орамизда йўқ.

Элатимиз қишлоқ марказидан анча олис бўлгани боисдан табиий газ масаласи узоқ йиллар ҳал бўлмасдан қолаверди. Қиш бошланмасдан отам ўтин ташвишиға тушардилар. Туманма-тушман юриб арзонроқ кўмир топиш, кимларгадир сарғайиб машина ёллаб уни келтириш отам зиммасида эди. Тўрт-бешта хонаға қиш буйи ўтин ёқилганидан уч-тўрт тонна кўмир

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этади!



Истиқлол жамоамизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Ўтган даврда 177 нафар ўқитувчи ва 10 дан ортиқ талабамиз хорижий мамлакатлар — АҚШ, Исроил, Жанубий Корея, Шве-

ция, Чехия, Венгрия, Россия, Малайзия, Украина ва Хитойда ўқиб, амалиёт машғулотларини ўтаб қайтди. Айни пайтда институтимиз хориждаги 28 та олий ўқув юрти билан ҳамкорликда ишламоқда. Институт жамоаси "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалиётга тадбиқ этиш йўлида тинимсиз изланмоқда.

Барчангизни яна бир карра Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги билан табриклаймиз!

"Қашқадарёқурилиш" жамоа корхонаси юртдошларимизни улуг айём — Мустақиллик байрами билан муборакбод этади

Ўтган даврда мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қад кўтарган замонавий иншоотларни кўрган ҳар бир киши ҳайратланади. Шу қурилишларда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлиги кўнглимизни тоғдек кўтаради.

Мустақиллигимиз боқий бўлсин! Давлатимиз дунё тургунча турсин! Барча ватандошларимизни улуг айём билан табриклаймиз!



Азиз ватандошлар!

Сизларни муборак кун — Ўзбекистон Мустақиллигининг тўққиз йиллиги билан самимий табриклаймиз! Истиқлол даврида мамла-



катимиз дон мустақиллигига эришди. Бунда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради. Жорий йилда давлатга 2556 тонна дон топширдик. Ҳозирда давлатга 6700 тонна "оқ олтин" топшириш учун меҳнат қилмоқдамиз.

Фарзандларимизнинг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, нуфузли олий ўқув юртларида тарбия топаётганлиги ва Ватанимизга содиқ ўғил-қизлар бўлиб етишаётганлиги юрагимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Яна бир карра Сиз азизларни улуг айём билан қутлаймиз!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ УСМОН ЮСУПОВ ТУМАНИ ЖЕЙНОВ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ)

Туркистон Қаҳваҳонаси

"Ниҳол"нинг илк совриндори

МУҲАББАТНИ ЭРТАШТИРТАН ҚИЗ

"Туркистон" қаҳваҳонасининг бугунги меҳмони хуш овоз соҳибаси, ўзбек эстрадасида ўзига хос изланишлар қилаётган Севара Назархон. У санъатга тасодифан кириб келгани йўқ. Унинг болалиги санъатни тушунган, қалбани ҳис қилган одамлар орасида кечди. Севаранинг овози чиндан-да бетакрор... У ёниб куйлайди... Жўшиб куйлайди...

Қайдасан эй юзлари зебо,
Калбинг не деб сўрама асло.
Бу дунё шундайин бевафо,
Юр муҳаббат кетдик бу ердан...



Кўшиқ мухлисларига маълумки, сиз икки йил "Сидерис" гуруҳида қўшиқ айтгансиз. Гуруҳдан ажралиб чиқишингизнинг сабаби нимада?

ёки...
— Ҳаётда қандай одамлар сиз учун қадрли?
— Тўғри сўз, мард. Айниқса, ваъдасининг устидан чиқадиган ҳалол инсонларни қадрлайман.
— Миш-мишларга қараганда, Севара кўнглидаги-дек йигитни тополмаётган эмиш...



ишларим жуда кўпайиб кетганидан, шахсий ҳаётим тўғрисида ўйлаш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Энди, мухлисларимнинг миш-мишларини жиддий ўйлаб кўраман.
— Янги "Миллатлар" қўшигингиз тингловчилар томонидан яхши кўтиб олинди. Шу тўғрида ҳам тўхталсангиз.
— Қўшиқнинг сўзлари шоир Муҳаммад Юсуфники, музикасини ўзим ёзганман. Бу қўшиқ Ўзбекистон учун, жонанжон халқимизнинг жасур ўғлонлари учун яратилган. Уни куйлаётганимда худди ана шулар кўз олдимдан ўтади. Кўзларим севинчдан беихтиёр ёшланади. Шундай миллатнинг фарзанди эканлигимдан қувонаман.

— Айни пайтда нима билан машғулсиз?
— Янги концерт бериш учун тайёргарлик кўряпман. Бундан ташқари "Миллатлар" қўшиғига клип тайёрладим. Яқин кунда унинг премьераси ойнаи жаҳонда намойиш этилади. Муҳлисларим эрикиб қолмасликлари учун янги альбомимни ёзиб тез орада уларга тақдим этиш ниятидаман.

— Режаларингиз?
— Тўхтамасдан янги қўшиқлар устидан ишлаш ва дилдан куйлаш...

Севара билан хайрлашади эканман, унга санъат йўлида парвозлар тиладим. Зеро, санъаткорнинг қаноти қайрилмаса, унинг бу оламда парвози баланд бўлади. Парвози баланд санъаткор эса янги-янги қўшиқлари билан мухлисларини хушнуд этаверади...
"Туркистон" муҳбири Зийда АШУРОВА сўхбатлашди

ОМАДЛИ ЙИГИТ

Маълумот учун: Фарҳод Тўраев — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси. Жамоанинг, қолаверса мураббийларнинг суянган тоғларидан. Олти ёшдан бўён спорт билан шуғулланади. Осий ва жаҳон чемпионатларининг кумуш медаллари совриндори. Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Мустақиллик туфайли бутун Ўзбекистон ёшлар дунёга танитмоқда. Улар қаторида Фарҳоднинг ҳам муносиб ўрни бор.


Рустам ака каби таниқли спортчи бўлишни орзу қилган Фарҳоднинг эзгу нияти амалга ошди. Ота изидан бориб, спортда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилди, интилди. Ва топди ҳам.
Бир вақтлар катта спорт майдонида голиблик шохсупасига кўтаришган спортчиларни кўриб қалби ҳавасдан

антикарди. Энди эса унга ҳавас қилишади.

Омадли йигитга бу йил ҳам омад кўлиб боқди. Сиднейда ўтказиладиган халқаро спорт мусобақаларига йўллангани кўлга киритди.

— Бу сафар фақат олтин медалга ҳаракат қиламан, — дейди у чехрасига ярашган қатъият билан.

Айни вақтда Фарҳоднинг тайёргарлиги қизгин паллада. Тинимсиз машғулотлар, машқлар...



Олимпиада - 2000

Сўнги хабар:

Кўни кеча қаҳрамонимиз "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланди.

Ойдин ХАМРОЕВА, "Туркистон" муҳбири

Камалак

Ёшлар ижоди



МЕН СИЗНИ ҲАМЧИША СЎЙТАНЧИМ СЎЙТАН

Шухрат НАСИМОВ — 1975 йил Самарқанд вилояти Челақ туманида туғилган. 1998 йили Тошкент Давлат дорилфунунини тугатган. Ҳозирда Челақ туманидаги 38-ўрта мактабда дарс беради.

ОНАМ ШОНТАН ҚИЗ

Мен уйимга қайтганда онам: — Уйлан, дея қўймасди сира. Кўзларида йилтирарди нам, Дилгинамни айларди хира.

— Энди бўйдоқ юришингни қўй, Берсам дейман элу юртга тўй. Совчи бўлиб борай, кўнглингда Бўлса агар бирорта хушрўй.

Гар йўқ десанг топаман ўзим, Маҳаллада эсли қизлар кўп. Қариганда кўрай хузуринг, Ширин-ширин неварга тўп-тўп.

Она, юрманг сиз сарсон бўлиб, Гар қиз топсам ўзин айтиман. Ишларимни сўнг рўкоч қилиб, Шаҳар томон аста қайтаман.

Бир кун қайтсам, мени бир қизга Унаштириб қўйибди нетай? Бирозгина бордим аразга, Дардларимни кимга ҳам айтай?

То унганча кўрмадим ўзин, Шундан кейин бўлиб ўтди тўй. Эй, онажон, сиз топган келин Бунча ширин, бунча ҳам хушрўй.

БОЙ ҚИЗИ

(Халқ оҳангига)

Совчи келди хизматга шай, Тўй бўлади, карнай-сурнай. Бой бувамни хуноб қилди, Ўзар қизи гапга кирмай.

От минсанг асов-асов, Кишнаб турсин бурмай жилов. Бой бувамнинг истақлари Қалинга қўй ўтов-ўтов.

Қўйлар кўрада қуре, деди, Йигит қандинг уре, деди. Юз кўргани келди йигит, Қиз тегмайин туре, деди.

Гап уқмайди жуда тажанг, Бу қиз бунча ўзар қаранг. Ўз йўлга сололмасдан, Бой бувамнинг боши гаранг.

— Кампир, кампир, қизингга айт, Вақти етди, узатар пайт. Кампир айтар, қизим, қизим, Эркатойим фикрингга қайт.

Кўёв бола ойдек экан, Тагли, жойли бир бек экан. — Тегмайман, — дер қиз тушмагур, — Қоринлари қопдек экан.

Бутоқларни эгаман, — дер, Гул йигитни севаман, — дер. Ўзимизни хизматкор-чи, Қўлматвойга тегаман, — дер.

КИМНИДИР СЎЙТАН

Таъкиб этар шубҳа ва гумон, Хаёлимни кезгани-кезган. Товонимга санчилган тикон: У олдин ҳам кимнидир суйган.

Балки қўйган кўкрагига бош, Ишва билан кўзини сузган. Беролмайман бу ҳисга бардош, У олдин ҳам кимнидир суйган.

Гул шохиди булбул ўйнайди, Ҳар гунчага кўнгани-кўнган. Юрагимни бир дард қийнайди: У олдин ҳам кимнидир суйган.

Узун тунлар чикдим тўлғониб, Қорачигим оловдек ёниб. Бир сўз чиқар бўғзимни ериб: У олдин ҳам кимнидир суйган.

Иаҳорига бахшида ишқим, Ёжронда қалб қуйгани-қуйган. Ёмғир бўлиб қўйилар рашқим, Чунки уни суйганим-суйган.

КЕЧДИМ

Йўл кўрсатмас нечун бирор зот, Тупроғу чанг, лойлардан кечдим. Бевафонинг қилмишидан дод, Ул маҳлиқо ойлардан кечдим.

Боболардан қолган бир нақл, Сир очилса дўстдан шубҳа қил. Ортдан чалиш номардча усул, Фитна тўла сочлардан кечдим.

Чўқур боқсам манзили тубан, Шароб, оғу, майлардан кечдим. Она каби азизсан, Ватан, Ўзга диёр, жойлардан кечдим.

Шухрат НАСИМОВ

БОШҚОТИРМА

Word search puzzle grid with numbers 1-40.

БЎЙИГА: 1. Тошкентдаги тасвирга олиш студияларидан бирининг номи. 2. Намангандаги туман. 3. Қушларнинг темир "ошёни". 4. Опа ёки сингил синоними. 7. Сотувчи ва олувчи ўртасидаги муносабат. 8. Абдулла Қаҳҳор асари. 9. Ижро учун қабул қилинадиган ҳужжат, ҳужм. 10. Бурж номи. 11. Энг олий мавҳудот. 12. Оиланинг шаърият томонидан мустаҳкамланиши. 17. Бадий асар тури. 18. Хўжалик буюмларидан бири. 19. Қора денгиз соҳилидаги курорт. 20. Орзу, ният, истақ. 23. Мисрни машҳур қилган мўъжизавий шакл. 24. Жиззахдаги шаҳар. 25. Уқув қуроли. 26. Ге белгисига эга кимёвий модда. 27. Дезинфекцияловчи восита. 28. Жануб мевали дарахти. 33. Ўз касбининг устаси. 34. Экранда қаҳрамонларни гавдалантирувчи шахс. 35. Қўлбола уйинчоқ. 36. Алишер Навоийнинг устози.

ЭНИГА: 5. Одамнинг ташқи аъзоси. 6. Ҳиндистондаги дарё. 8. Камалак рангларидан бири. 10. Эгизаклар уриши, меросини бўлишди (топишмоқ). 13. Бировга ёмон кўз билан қараш туйғуси. 14. Сунъий сув чиқариш мосламаси. 15. Насронийларнинг муҳаддас китоби. 16. Республикамиз четгарасидаги тоғ тизмаси. 18. Ҳаё, тақдим. 20. Тўланадиган жарима тури. 21. Товарлар билан пул ҳаракатини таъминловчи тизим. 22. Заҳарли газ. 24. Узоқ вақт сувнинг оқиб туришидан пайдо бўлган чуқурлик. 26. Энг керакли мевасиз дарахт. 29. Кўнглидан чиқариб бериш, садақ. 30. Ўзбекистонга чегарадор республикадаги газ қони. 31. Геометрик шакл. 32. Хамирдан тайёрланадиган таом. 34. Бухгалтерия балансининг томони. 36. Машҳур "Титаник" фильми режиссёри. 37. Мўйнали ҳайвон. 38. Либериядаги шаҳар. 39. Фарғонадаги шаҳарчалардан бирининг номи. 40. Сут маҳсулоти.

Тузувчи: О. АБДУЛЛАЕВА, Кумкўрғон шахри

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 23 август сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

ЭНИГА: 5. "Жасора". 6. Жавоҳир. 10. Жоний. 11. Жомашов. 12. Жосус. 16. Жонқашлик. 18. Жетон. 19. Жорня. 20. Жугжур. 21. Жиззах. 25. Жевак. 26. Жомий. 27. Жонибек. 32. "Жаҳон". 33. Жамалак. 34. Жувоз. 35. Жиробус. 36. Жолинус.
БЎЙИГА: 1. Жадий. 2. Жавон. 3. Жавоб. 4. Хирот. 7. Жонибек. 8. Жавгаза. 9. Жудолик. 13. Жонтулт. 14. Жингиртоб. 15. Жодугар. 17. Жомакор. 22. "Жеминий". 23. Жабазак. 24. Жигатой. 28. Жоҳил. 29. Жасур. 30. Жамоа. 31. Журуа.

МАҚОЛ ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

"Эр-хотин қўш ҳўкиз" деган халқ мақоли тўғри. Сўнги маълумотларга қараганда ҳозирги энг аҳил оилада хотиннинг мажбуриятлари қуйидагича экан.

- 1. Давлат ишига — хотин.
- 2. Уй ишига — хотин.
- 3. Оила боқишга — хотин.
- 4. Бола тарбиялашга — хотин.
- 5. Бозорга чиқишга — хотин.
- 6. Пахта теришга — хотин.
- 7. Қарз сўрашга — хотин.
- 8. Қарз тўлашга — хотин.
- 9. Тилни тийишга — хотин.

- 10. Сабр-тоқат қилишга — хотин.
- Э, ҳаммасига шўринг кургур хотин. Лекин эркакларнинг мажбуриятлари деярли "сўстлашмаган".
- 1. Ишламай уйда ўтиришга — эр.
- 2. Оила кассири амалига — эр.
- 3. Баҳоналар уйлаб топишга — эр.
- 4. Сўқинишга — эр.
- 5. Рақш қилишга — эр.
- 6. Ичиб олиб томоша кўрсатишга — эр.
- 7. Овқат танлашга — эр.
- 8. Чойхонага ошхўрликка — эр.
- 9. Кечаю кундуз уйкуга — эр.
- 10. Хотинини дўппослашга — эр.

Ана шулар. Эркаклар ҳам бекка ўтирганлари йўқ!

Гавҳар МИРЗААХМЕДОВА

СИЗ СЕВТАН ҚЎШИҚ

Замонавий ва мумтоз қўшиқлар хит-паради: Хит-парад мухлисларнинг хатлари, кўнги-роклари асосида белгиланди. Утган 15 кунда ўринлар қуйидагича тақсимланди:

- 5. "Хўжа" гуруҳи: "Муҳаббатимсан"
 - 4. Хуршид Расулов: "На сизга ёр, на бизга ёр"
 - 3. Юлдаз Абдуллаева: "Кетма, вафодор"
 - 2. Юлдаз Усмонова: "Кўркаман"
 - 1. "Байрам" гуруҳи: "Маҳбубам"
- Кўшиқсевар ёшлар! Сиз севган хонанда, сиз севган қўшиқ юқори ўринлардан жой

олишини истасангиз, бу ҳақда бизга маълум қилинг.

Телефонлар: 133-79-69; 144-02-24.

Хатлар учун манзиллар: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетасига ёки Тошкент-11, Навоий кўчаси, 69, "Ассалом, Ўзбекистон!" бош муҳарририятига деб ёзинг.

Бундан ташқари хит-парадимизга мунтазам қатнашган мухлисимизни "Туркистон" газетасининг сирли совғаси кутади. Шошилинг! Мақтубларингизни кутамиз!

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳрир хайъати: Хотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИҚОВ, Анвар ЖАБОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Гаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

Манзилимиз:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Мухбирлар 133-95-97 Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир Гулжамоил АСҚАРОВА

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назардан фарқлангани мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма № — 710.

Рўйхатдан ўтказ тартиби № 00012. Ойроқт усулида босилган. Короз бичими А-2. Босишга топширилган вақти—20.00. Топширилди—21.00. 1 2 3 4 5 6